БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

11-йил чиқиши

№ 97 (2645).

19 май

СЕШАНБА

1964 йил.

БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

Улуғ Ленининг содиқ шогирди, КПСС ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари

ОТТО ВИЛЬГЕЛЬМОВИЧ КУУСИНЕН

оғир ва узоқ давом этган касалликдан сўнг 17 майда вафот этди

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети партиямизга, бутун совет халқига, қардош коммунистик ва ишчи партияларга чуқур қайғу билан хабар қиладиларки, 1904 йилдан бери КПСС аъзоси, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Олий Совети депутати, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Ташқи ишлар комиссияси раиси, улуғ Ленининг содиқ шогирди, КПСС ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоби, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ОТТО ВИЛЬГЕЛЬМОВИЧ КУУСИНЕН оғир ва узоқ давом этган касалликдан сўнг 1964 йил 17 майда 83 ёшида вафот этди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ОТТО ВИЛЬГЕЛЬМОВИЧ КУУСИНЕН

Отто Вильгельмович Куусиненни ўлим бизнинг сафимиздан тортиб олди.

Отто Вильгельмович ўзининг бутун катта ва ёрқин ҳаётини, ўзининг бутун кучини, чуқур билимларини ва бой турмуш тажрибасини ишчилар синфи ишига, меҳнаткашларнинг революцион курашига, коммунизмнинг улуғ ишига бағишлади. Ленинчилар гвардиясининг буюлмас жангчиси, улуғ Ленининг шогирди ва сафдоши бўлган Отто Вильгельмович ёшлик чоғидан то умрининг охиригача Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди бўлиб қолди, меҳнаткаш халқ манфаатлари учун, зафарли марксизм-ленинизм таълимотининг тантанаси учун қаттиқ туриб курашди.

Отто Вильгельмович Куусинен 1881 йил 3 октябрда Финляндияда Лаукаа қишлоғида, тикувчи оиласида туғилди. Ювяскюля шаҳридаги гимназияда ўқиди, сўнгра Гельсингфорс университетининг тарих-фалсафа факультетини тамомлади ва фалсафа фанлари кандидати деган илмий даража олди.

О. В. Куусинен революцион фаолиятининг бошланиши Финляндия ишчилар синфининг кураши билан, умумроссия пролетар ҳаракати билан чамбарчас боғланган. У, университет студенти бўлган чоғидаёқ 1904 йилда Финляндия социал-демократик партияси сафига кирди, тез орада бу партиянинг сўл, революцион қаноти раҳбарларидан бири бўлиб қолади ва Финляндия социал демократиясининг оппортунист раҳбарларига қарши актив кураш олиб боради. Отто Вильгельмович 1905—1907 йиллардаги революцияда бевосита қатнашди, ишчилар Қизил гвардияси отрядига командирлик қилди.

1908 йилда О. В. Куусинен Финляндия социал-демократик партиясининг раҳбарлик комитетига сайланади. У, 1906—1908 йилларда социалистик журналнинг редактори бўлиб, 1907 йилдан то 1916 йилга қадар социал-демократик партиянинг марказий органи «Тюемиес» («Ишчи») газетасининг редактори бўлиб ишлайди. Шу даврда у бир неча марта сеймга депутат бўлиб сайланди. II Интернационалнинг Копенгаген (1910 йил) ва Базель (1912 йил) конгрессларини ишида қатнашди. Базель конгрессида уруш хавфига қарши қаратилган резолюцияни ёқлаб овоз берди.

О. В. Куусинен Улуғ Октябрь революциясини тайёрлашда актив қатнашиб, 1917 йилнинг августида Гельсингфорсда Владимир Ильич Ленин билан учрашди. Ленининг маслаҳати билан у Фин сеймида Россиянинг буржуа муваққат ҳукуматига қарши курашнинг кескинлашишига кўмаклашди. Октябрь революцияси даврида О. В. Куусинен революцион курашнинг марказида бўлди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг таъсири остида фин ишчилар синфи 1918 йилнинг январида реакцион буржуазиянинг зулмига қарши қуролли курашга кўтарилган вақтда Отто Вильгельмович Куусинен Финляндиядаги ишчилар революциясининг раҳбарларидан бири бўлди. У, революцион ҳукумат составига кирди, халқ маориф комиссари бўлиб ишлади. О. В. Куусинен—1918 йилнинг августида тузилган Финляндия Коммунистик партиясининг асосчиларидан бири.

Атоқли пролетар революционер — интернационалисти О. В. Куусинен халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг актив арбоби эди. У, Коммунистик Интернационалнинг биринчи, учинчи ва кейинги ҳамма конгрессларини ишида қатнашди. В. И. Ленининг топшириғига биноан, Отто Вильгельмович Коминтернинг учинчи конгресси учун ташкилий масалага доир тезислар лойиҳасини тузиб берди, бу тезислар конгрессда қабул қилинди. Ўша йилларда у стратегия ва тактика, ташкилий қурилиш масалаларига доир бир қанча муҳим асарлар ёзди. Унинг эълон қилинган бу асарлари ўша вақтдаги ёш Коммунистик партияларни идеологик ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. О. В. Куусиненнинг Коминтерндаги фаолиятига В. И. Ленин юксак баҳо берди.

Коминтернинг учинчи конгрессида Отто Вильгельмович Куусинен Коминтерн Ижроия комитетининг аъзоси бўлиб сайланди. У, 1921—1939 йилларда Коминтерн ижроия комитети президиумининг аъзоси ва унинг секретарларидан бири бўлиб ленинча йўлни изчиллик билан ўтказди, ўзининг бутун кучини бутун дунё коммунистларининг интернационал бирлигини мустаҳкамлаш учун курашга бағишлади. Отто Вильгельмович Коммунистик Интернационалда ўн саккиз йилдан кўпроқ раҳбарлик ишини бажариб, фашизмга ва уруш хавфига қарши кураш тўғрисида миллий озодлик ҳаракати ҳақида ва бошқа жуда катта масалалар устида Коминтернинг конгрессларида ва пленумларида неча марталаб докладлар қилди. Жаҳон Коммунистик ва ишчилар ҳаракатини ривожлантириш ва мустаҳкамлашдаги муҳим босқичлар унинг номи билан чамбарчас боғланган.

1940 йилда О. В. Куусинен Карел-Фин ССР Олий Совети Президиумининг раиси бўлиб сайланди. У, республика экономикасини ва маданиятини ривожлантиришга кўп куч ва меҳнат сарфлади. Отто Вильгельмович СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Совет Иттифоқи Парламент группасининг раиси, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси сифатида катта давлат ишларини олиб борди.

О. В. Куусинен 1941 йилдан бери КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, 1957 йилда эса КПСС Марказий Комитети президиумининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари бўлиб сайланади. Кейинги ўн йил ичида О. В. Куусинен партия ва давлат турмушининг ленинча нормаларини тиклаш ва ривожлантириш учун, КПСС сиёсатининг ленинча йўли учун партиянинг бошқа раҳбарлари билан бирга қўлни-қўлга бериб муросасиз курашиб келди. КПСС Марказий Комитетининг (1957 йилги) июнь Пленумида у партия XX съездининг қарорларини қатъий равишда ҳимоя қилди, шахсга сиғиниш методлари ва тартибларини тиш-тирноғи билан ёқлаб чиққан фракциячи антипартиявий группага кескин қарши чиқди. О. В. Куусинен ўз умрининг охирги кунларигача КПСС XX, XXI ва XXII съездларининг ленинча йўли учун изчиллик билан курашиб келди.

Отто Вильгельмовичнинг номи халқаро коммунистик ҳаракатда яхши танилган бўлиб, катта обрўга эгадир. Қардош партиялар унинг жаҳон коммунизмининг 1957 йилги Декларацияда ва 1960 йилги Баёнотда ифодаланган сиёсий йўлини тушунтириш ва амалга ошириш ишига қўшган жуда катта ҳиссасига юксак баҳо бермоқдалар. Ўнг ва сўл оппортунистларга қарши, фракциячиларга ва бузғунчиларга қарши, бутун дунё коммунистлари сафларининг бирлигини мустаҳкамлаш учун принципиал кураш олиб боришни О. В. Куусинен ҳаммавақт ўзининг марксча-ленинча муқаддас бурчи деб ҳисоблаб келди. Энг кекса революционер-ленинчи бўлган Отто Вильгельмовичнинг ҳар томонлама тажрибаси коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг қимматли мулки бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Кенг маълумотли марксчи, йирик назариячи ва олим О. В. Куусинен илмий коммунизмнинг актуал проблемаларини, революцион ҳаракатнинг стратегиясини ва тактикасини ижодий ишлаб чиқишда фаол қатнашди. Унинг илмий асарлари, докладлари, нутқлари, публицистик мақолалари кўп нарсага қизиққанлигини ва кўп нарсани билганлигини кўрсатиб турибди, марксизм-ленинизм таълимотига, турмуш жараёнларини, революцион практикани анализ қилишга ижодий муносабатда бўлишнинг намунасидир. У СССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси эди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати О. В. Куусиненнинг жуда катта хизматларини юксак даражада тақдирлаб, унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берди ва уни тўртта Ленин ордени билан мукофотлади.

КПСС ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, содиқ ленинчи Отто Вильгельмович Куусиненнинг бутун ҳаёти ва фаолияти меҳнаткаш халқ манфаатлари учун, коммунизм иши учун фидокорона курашга илҳомлантирувчи ўрнак бўлиб қолади.

Л. БРЕЖНЕВ, Г. ВОРОНОВ, А. КИРИЛЕНКО, Ф. КОЗЛОВ, А. КОСИГИН, А. МИКОЯН, Н. ПОДГОРНИЙ, Д. ПОЛЯНСКИЙ, М. СУСЛОВ, Н. ХРУШЧЕВ, Н. ШВЕРНИК, В. ГРИШИН, Л. ЕФРЕМОВ, К. МАЗУРОВ, В. МЖАВАНАДЗЕ, Ш. РАШИДОВ, П. ШЕЛЕСТ, Ю. АНДРОПОВ, П. ДЕМИЧЕВ, Л. ИЛЬИЧЕВ, В. ПОЛЯКОВ, Б. ПОНОМАРЕВ, А. РУДАКОВ, В. ТИТОВ, А. ШЕЛЕПИН



КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА

Биэлар Ватанимиз чегараларидан ташқарида, дўстона Бирлашган Араб Республикасида бўлганимиз шу кунларда, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли ва энг кекса арбоби қадрдон дўстимиз ва ўртоғимиз Отто Вильгельмович Куусинен вафот этганлигини эшитиб гоят қайгурдик.

Отто Вильгельмовичнинг бутун ҳаёти ишчилар синфининг революцион курашига, марксизм-ленинизм тантанаси учун, халқ бахт-саодати учун курашга бағишланган эди.

Ҳаётининг охирги кунларигача ўзининг бутун куч-ғайратини, ақл-идрокини, чуқур назарий билимини ва бой тажрибасини мамлакатимизда коммунизм қурилишига, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати сафларининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга бағишлаган ажойиб коммунист, саботли ва содиқ ленинчи сифатида ҳамишa у бизнинг қалбимизда яшайди.

Ўртоқлар, биз сизларга, Отто Вильгельмовичнинг оиласига, унинг дўстлари ва ёр-биродарларига чуқур таъзия изҳор қиламиз.

Н. С. ХРУШЧЕВ, А. И. АДЖУБЕЙ, П. С. НЕПОРОЖНИЙ, А. А. ГРОМИКО, М. П. ГЕОРГАДЗЕ, Г. Т. ШУЙСКИЙ, А. А. ГРЕЧКО, Э. Н. АЛИХАНОВ, В. Я. ЕРОФЕЕВ, П. А. САТЮКОВ, С. А. СКАЧКОВ, Н. П. ХРУШЧЕВА

Қоҳира, 1964 йил 17 май.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ РСФСР БЮРОСИ, РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА РСФСР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бюроси, РСФСР Олий Совети Президиуми ва РСФСР Министрлар Совети 1904 йилдан бери КПСС аъзоси, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Олий Совети депутати, РСФСР Олий Совети депутати, улуғ Ленининг содиқ шогирди, КПСС ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоби, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Отто Вильгельмович Куусиненнинг** вафоти муносабати билан Россия Федерациясининг коммунистлари ва ҳамма меҳнаткашлари номидан чуқур таъзия билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ РСФСР БЮРОСИ — РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — РСФСР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

О. В. КУУСИНЕН ТОБУТИ ЁНИДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг энг кекса аъзоларидан бири, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Олий Советининг депутати, улуғ Ленининг содиқ шогирди, КПСС ва халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби Отто Вильгельмович Куусинен вафот этганлиги ҳақидаги қайғули хабар совет кишиларини қалбини титратиб юборди.

Союзлар уйи мотам либосида. Колонна залида баланд супачада кўм-кўк ўтлар ва гуллар орасида марҳумнинг жасади солинган тобут турибди. Жуда кўп гулчамбарлар — КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети номидан, партия, совет ва жамоат ташкилотлари номидан гулчамбарлар қўйилган.

18 май эрталаб соат 9 дан 30 минут ўтгунча марҳум билан видолашиш учун одамлар киритила бошлади. Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний, Н. М. Шверник, В. В. Гришин, Л. Н. Ефремов, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, В. И. Поляков, В. Н. Титов, А. Н. Шелепин ўртоқлар биринчи бўлиб тобут ёнида фахрий қоровулда турадилар.

Ўзининг бутун ажойиб ҳаётини ишчилар синфининг революцион курашига, марксизм-ленинизмнинг тантанаси учун, халқ бахт-саодати учун курашга бағишланган О. В. Куусинен билан видолашиш учун мингларча меҳнаткашлар эрталабданоқ Колонна залига келдилар.

Ҳар уч минутда фахрий қоровул алмашиниб туради. Москва партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, СССР министрлари, Совет Иттифоқи ва қўшин турларининг маршаллари, завод ва фабрикаларнинг вакиллари, фан, маданият, санъат арбоблари мотам вахтасида турадилар.

Залга келтирилаётган гулчамбарларнинг охири кўринмайди. Мотам куйлари мунгли янграйди.

(ТАСС).

ФИНЛЯНДИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Финляндия Коммунистик партиясининг ташкилотчиларидан бири, КПСС ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоби О. В. Куусинен вафот этганлиги сабабли сиз билан бирга чуқур қайғурадик. Финляндия Коммунистик партиясининг тарихи, унинг тинчлик, демократия ва социализм йўлидаги фидокорона кураши ўртоқ О. В. Куусинен номи билан чамбарчас боғлангандир. Ўртоқ Куусинен ўзининг бутун ҳаётини бизнинг умумий ишимиз—марксизм-ленинизм улуғ таълимотининг тантанаси учун, коммунизм ғалабаси учун курашга бағишлади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарор қилдилар:

Отто Вильгельмович Куусиненни дафн этишни уюштириш учун Н. В. Подгорний (раис), А. Н. Косигин, В. В. Гришин, Ю. В. Андропов, Л. Ф. Ильичев, Я. В. Пейве, Н. Г. Егоричев, П. И. Воеводин, К. П. Черняев ўртоқлардан иборат ҳукумат комиссияси тузилсин.

ОТТО ВИЛЬГЕЛЬМОВИЧ КУУСИНЕННИ ДАФН ЭТИШ ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДАН

Ҳукумат комиссияси хабар қиладики, Отто Вильгельмович Куусиненнинг жасади қўйилган тобут Союзлар уйининг Колонна залига ўрнатилди.

Марҳум билан видолашиш учун 1964 йил 18 майда соат 9-30 минутдан бошлаб соат 23 гача кириш мумкин.

Дафн этиш маросими 19 майда Қизил майдонда бўлади.

БУТУНИТТИФОҚ КАСАБА СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ СОВЕТИДАН

Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси, КПСС ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Отто Вильгельмович Куусиненнинг узоқ давом этган касаллиқдан сўнг вафот этганлигини касаба союзларнинг аъзоларига чуқур қайғу билан маълум қилади.

ВЦСПС

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДАН

ВЛКСМ Марказий Комитети КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари, Коммунистик партиянинг энг кекса аъзоларидан бири, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби **Отто Вильгельмович Куусиненнинг** вафоти муносабати билан комсомоллар, совет ёшлари номидан чуқур таъзия билдиради.

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, Совет давлати ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, 1904 йилдан бери КПСС аъзоси, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Отто Вильгельмович Куусинен вафот этганлиги муносабати билан Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети чуқур қайғу ва таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ ВА МАРКАЗИЙ КОМИТЕТ СЕКРЕТАРИ УРТОҚ ОТТО ВИЛЬГЕЛЬМОВИЧ КУУСИНЕННИНГ КАСАЛИ ТЎҒРИСИДА МЕДИЦИНА ХУЛОСАСИ

Ўртоқ **О. В. Куусинен** бирламчи жигар ракига мубтало бўлди. Кейинги вақтда касаллик кучайиб кетди ва кўп қон кетиш сабабли оғирлашди, бу эса унинг ўлимига бевосита сабаб бўлди.

СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари профессорлар:

П. Е. Лукомский,
В. Х. Василенко,
Е. М. Тареев.

СССР Медицина фанлари академиясининг корреспондент аъзоси профессор

А. И. Струков,

профессор

В. С. Маят,

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги 4-бош бошқарма махсус поликлиникасининг бош врачи

М. С. Хуторненко.

1964 йил, 17 май.

АСВОНДАГИ ТАНТАНАЛАР

Асвон, 16 май. (ТАСС махсус мухбирлари). Нил дарёсининг баланд соҳилида думалоқ бино бор. Шу бинонинг ичида Асвон гидроузелининг макети ўрнатилган. Қурилишга келган ҳар бир киши шу макетни томоша қилади, схемалар ва диаграммалар билан танишади.

Асвонга арабларнинг янги Макаси деб ном берилди. Кейинги тўрт йил ичида мана шу улкан қурилишни уч миллионга яқин киши келиб кўрди. Келган кишиларнинг ҳаммаси унчалик катта бўлмаган мана шу бинони ҳам томоша қилди.

1960 йил 9 январда ўша вақтда сира бузилмасдек бўлиб кўринган гранит қояда биринчи пойдевор тоши қўйилган эди. Тош қўйиш маросими бу ерда гидроузел қурила бошлаганлигидан нишона бўлди.

Енгилмас қоялар таслим бўлди. Нил дарёсининг йўли тўсилди. миср халқи учун тарихий бўлган шу воқеани нишонлаб, бугун кечқурун шу бинога эдалик лавҳаси ўрнатилди. Инсоннинг табиат билан буюк жанги мана шу майдонда бошланган эди.

Президент Носир ва Н. С. Хрушчев, шунингдек А. Бин Белла ва А. Ориф бу ерга келишди. Уларни минг-минглаб одамлар табриклаб кутиб олишди. Баланд Асвон тўғони қурилиши билан шуғулланувчи министр Сидқий Солиман, бош совет эксперти А. П. Александров ва совет ҳамда араблар томонидан қурилишда ишлатган бошқа раҳбарлар азиз меҳмонларга пешвоз чиқишди.

Гулдурос қарсаклар остида президент Носир ва Н. С. Хрушчев устига чодир ёпилган мармар лавҳа олдига келадилар. Отилган тўпларнинг гумбирлаган овози остида, осмонни ёритиб отилган мушаклар ортидан, пароходлар ва автомашиналар гудоклар бериб меҳмонларни муборакбод қиладилар. Ҳамма томондан: «Носир! Хрушчев!» деган хитоблар янграйди.

Президент Носир, Н. С. Хрушчев, А. бин Белла ва А. Ориф чап сохилда бироз дам олиб, сўнгра шаҳар стадиони томон йўл оладилар.

Соат 20 дан 15 минут ўтганда ҳурматли меҳмонлар шаҳар стадионига етиб келадилар. Ўн минглаб кишилар президент Носирни ва Н. С. Хрушчевни табриклаб кутиб олишади.

Митинг бошланади. Баланд Асвон тўғони қурилиши билан шуғулланувчи министр Сидқий Солиман кириш нутқи сўзлаб, бу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммасини Асвон гидроузели қурилишининг биринчи навбати битказилганлиги билан муборакбод қилади ва бу қурилиш битказилганлиги улуғ галабадир, деди. Биз, деди бин Белла, сизлар билан бирга, Бирлашган Араб Республикасининг бутун халқи билан бирга мана шу зўр қувонч гаштини, ғалаба ва эзгу мақсадга эришиш гаштини суриш учун бу ерга келдик. Бин Белла айтдики, баланд Асвон тўғони қурилиши фақат Бирлашган Араб Республикаси учунгина эмас, шу билан бирга барча араб халқлари учун жуда катта аҳамиятга эга. Бин Белла Жазоир халқининг Бирлашган Араб Республикаси билан мустаҳкам алоқасини ва мустамлакачиларга қарши олиб борган курашда Бирлашган Араб Республикасининг Жазоирга катта ёрдам кўрсатганлигини алоҳида қайд қилиб ўтди. Бин Белла Араб мамлакатларига ва ривожланаётган бошқа мамлакатларга совет халқи самимий ва бегараз ёрдам кўрсатаётганлиги ҳақида зўр хурсандлик билан гапирди. Бирлашган Араб Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик ва баланд Асвон тўғони бино қилинганлиги мана шундай ёрдамнинг ва самарали ҳамкорликнинг ёркин намунасидир, деди Бин Белла.

Бин Белла ўз нутқини давом эттириб бундай деди: Мен улуғ мамлакат бўлган Совет Иттифоқига ўзимнинг чуқур ва чексиз ҳурматимни изҳор қилишни истар эдим, биз араблар Совет Иттифоқининг дўстлигини айниқса қадрлаймиз.

Пировардида, Бин Белла Совет Иттифоқига ва шахсан Н. С. Хрушчевга ташаккур айтди.

Бирлашган Араб Республикасининг Президенти Жамол Абдил Носир нутқ сўзлаб, Асвон гидроузели қурувчиларининг шонли ишларини, қурилиш тарихини, Ғарб мамлакатлари Мисрга таъсир ўтказишга, уни мустақил ташқи сиёсат ўтказишидан воз кечишга мажбур этишга уриниб, баланд тўғон қуриш учун пул беришдан бош тортганликларини айтиб ўтди. Президент Носир баланд Асвон тўғонининг Бирлашган Араб Республикасининг экономикасини янада ривожлантириш ва Миср халқининг фаровонлигини ошириш учун жуда катта аҳамияти борлигини таъкидлади.

Бизларнинг болаларимиз ва набираларимиз, деди у, баланд тўғон қурувчиларини эслаб, сизларнинг қаҳрамонона ишларингиз билан фахрланажаклар.

Миср Ғарб давлатларининг қаршилигига учраб, Совет Иттифоқига ёрдам сўраб мурожаат қилганида, деди Президент Носир, Совет Иттифоқи Мисрга дарров мана шундай ёрдамни кўрсатди, деди Президент Носир, баланд Асвон тўғонини қуришда ёрдамлашибгина қолмай, шу билан бирга у, бизнинг ўз қадримизни билиб олишимизга ва ўз ҳурматимизни сақлаб қолишимизга ҳам ёрдам берди.

Президент Носир Совет Иттифоқи бегараз, олижаноб, ҳеч бир шартсиз ёрдам кўрсатганлигини ва бу ёрдам араб-совет дўстлигини тағин ҳам мустаҳкамлаганлигини айтиб, бунинг учун Совет Иттифоқи халқига ва шахсан Н. С. Хрушчевга чуқур ташаккур изҳор қилди.

Ироқ Республикасининг президенти Абдил Салом Ориф ўз нутқини араб миллатчилиги ва арабларнинг бирлиги масаласига бағишлади. У, Ироқ Республикасининг раҳбарлари Бирлашган Араб Республикаси билан иттифоқни амалга оширишга киришиш ниятида эканликларини айтди.

Президент Ориф Нил дарёсининг йўли тўсилган куни «Арабчилик куни» деб атади.

Баланд Асвон тўғонининг биринчи навбати қурилиб бўлганлиги муносабати билан бу ерда ўтказиладиган тантаналарда, деди Н. С. Хрушчев, совет кишилари томошабин бўлиб қатнашаётганлари йўқ. Улар биринчи босқичи тугалланиб, бугун байрам қилинаётган мана шу улуғ қурилишга ўзларининг меҳнатларини, ўзларининг ақл-заковатларини сарфладилар.

Бирлашган Араб Республикасида ҳаёт булоғи жўш уриб қайнаб диган вақт яқинлашиб қолганлигини кўриб турибмиз. Асвон тўғони қурилишига сарфланган меҳнат халққа мана шундай натижалар беради.

Сўнгра Н. С. Хрушчев айтдики, 15 та иттифоқдош республикадан иборат Совет давлатида юздан кўп миллат ва элат бирлашган. Уларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқида қардош бўлиб яшамоқда. Совет давлатининг кучи мана шунда.

Владимир Ильич Ленин халқлар дўстлиги ва қардошлиги шиорини кўтариб чиқди. Бу шиорда ҳар бир киши, ҳар бир миллат меҳнаткашларининг ғалабаси учун, эксплуататорларга қарши, революция ғалабаси учун курашда ўз ўрнини топади.

Бу ерда, деди Никита Сергеевич, баъзи нотиқлар сўзга чиқишди, мен уларнинг: биз арабларниз, биз арабларниз, араблар, бирлашингиз ва ҳоказо, деган гапларини эшитиб ўтирдим. Агар шундай позицияда туриб олинса, биз, русларнинг сиз, араблар орасида бу ерда қиладиган иши қолмабди. Империалистлар ўз манфаатларини ўзаро душманлик ва низоларни қўзғатишда кўрадилар. Биз эса, совет халқининг вакили сифатида ўз нуқтаи назаримни айтиб ўтдим. Н. С. Хрушчев барча араб меҳнаткашларини, барча меҳнаткаш кишиларни империалистларга қарши, эксплуататорларга, мустамлакачиларга қарши, монополияларга қарши, меҳнаткашларнинг ғалабаси учун курашга даъват қилди.

Бугун мен, деди сўнгра Н. С. Хрушчев, тўғонда ишлаган қудратли агдарма машиналар олдида араб шоферларининг, рус шоферларининг қўлларини қисиб, кўришиб, жуда хурсанд бўлдим, улар ака-укалар сингари ёнма-ён турибдилар. Бу меҳнат аҳлларининг дўстлигини ва қардошлигини мужассамлаштиради.

Хуллас, «Араблар, бирлашингиз» шиори, афтидан, аниқланиши лозим. Араб ишчилари, араб деҳқонлари, араб зиёлилари—барча меҳнат аҳллари озодлик ва мустақиллик учун, яхши турмуш учун, ўз ҳуқуқлари учун, эксплуататорларга қарши курашда бирлашишлари лозим. Бундай бирлашишга ўз меҳнати билан ишаётган, озодлик, яхши турмуш ва халқнинг бахт-саодати учун курашаётган кишиларнинг ҳаммаси учун жой топилади.

Н. С. Хрушчев буюк Асвон қурилишида меҳнаткаш араб халқи, ишчилар, инженерлар, техниклар бажарган ишдан ўзининг хурсандлигини айтди.

Образли қилиб айтганда Асвон тўғонини империалистлар сиёсати остига, эски ва янги мустамлакачиликни сақлаб қолиш сиёсати остига қўйилган катта «мина» деса бўлади.

Империалистлар ўз шартларини жаҳон халқларига қабул қилдираган вақтлар ўтиб кетди, дейди Никита Сергеевич Хрушчев. Ҳозир жаҳонда иккита асосий система, яъни капиталистик ва социалистик система бор. Социализм капиталистик дунёга кенг жабҳада ҳужум қилмоқда. Ҳозир биз, ҳарбий жиҳатдан капиталистик давлатларга қараганда камроқ эмас, балки каттароқ кучга эгамиз.

Кейинги тўрт-беш йил ичида, деди Н. С. Хрушчев, кучларнинг нисбати тинчлик ва социализм кучлари фойдасига тағин ҳам кўпроқ ўзгарди. Лекин империалистик давлатларнинг кучини писанд қилмаслик нотўғри бўлур эди, уларнинг капиталлари бор, армиялари бор, улар мустамлакачилик асоратидан қутилиб чиқаётган халқларни бўғиб ташламоқчилар.

Очиғини айтганда, шу давлатларнинг намояндалари президент Носирга ҳам тазйиқ ўтказдилар, деб давом этди Н. С. Хрушчев, баланд Асвон тўғонини қуриш учун Миср ҳукумати маблағ излаб юрганида улар ўзларининг асоратли шартларини қабул қилдиришга бўлдилар.

Миср ҳукумати ва Миср давлатининг бошлиғи Носир империалистларнинг бу асоратли шартларини рад қилганидан кейин монополиялар Асвон тўғонини қуриш учун Бирлашган Араб Республикасига кредит беришдан воз кечдилар.

Совет Иттифоқи Бирлашган Араб Республикасининг халқига ёрдамга келди. Бу — қардошлик ёрдами бўлди.

Мана энди бу улкан қурилишнинг биринчи навбати битказилди!

Бу нарса, деди ўртоқ Хрушчев, биз фақат ҳарбий жиҳатдангина эмас, шу билан бирга иқтисодий жиҳатдан ҳам, илмий-техника жиҳатидан ҳам кучли эканлигимизни кўрсатиб турибди. Социализм ҳозирги вақтда кўп соҳаларда капитализмдан устун бўлиб турибди.

Асвон тўғони қурилганлиги — халқлар дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигининг бир кўринишидир. Бизлар ғарчи араб бўлмасак ҳам, лекин мен шунга аминманки, сизларнинг меҳнаткаш халқингизга арабларни эксплуатация қилаётган араблардан кўра яқинроқмиз.

Ўз сўзимни тамомлаб, яна шуни айтмоқчиманки, деди Н. С. Хрушчев, сизлар билан биз ниҳоят даражада хурсанд бўлиб турибмиз, меҳнат галабаси нашидасини сўрмоқдамиз. Социализм қуриш йўлида, янги дунё учун курашда биз азиз дўстларга муваффақиятлар тилаймиз. Озодлик учун, империалистларнинг зулмига қарши, меҳнаткашларнинг тантанаси учун курашда Совет Иттифоқи халқлари араб халқи билан ва бутун дунё меҳнаткашлари билан бирга, бир сафда борадилар.

Никита Сергеевич Хрушчев Совет ҳукумати номидан, Совет Иттифоқи халқлари номидан Президент Носирни, Бирлашган Араб Республикасининг ҳукуматини, шунингдек баланд Асвон тўғонида ва бошқа жойларда меҳнат қилаётган, муштарак ишни бажариб, Бирлашган Араб Республикасининг экономикасини ривожлантираётган ва мустаҳкамлаётган араб меҳнаткашларини муборакбод қилди.

ҲУРМАТЛИ МЕҲМОНЛАР ЛУКСОРГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Асвон, 17 май. (ТАСС). Бугун эрта саҳарда минглаб асвонликлар Н. С. Хрушчевни, президент Носирни, президент Бин Белланы, шунингдек президент Орифни узатиб қўйиш учун аэродромга келишди.

Самолётга чиқиш олдидан Н. С. Хрушчев баланд Асвон тўғони қурилиши билан шуғулланувчи министр Сидқий Солиман, баланд Асвон тўғони қурилишидаги бош совет эксперти А. П. Александров ва қурилишнинг бошқа раҳбарлари билан самимий хайрлашди. Ҳурматли меҳмонлар тушган «ИЛ-18» самолети осмонга кўтарилиб Луксор томон йўл олди.

Н. С. ХРУШЧЕВ Луксордаги қадимий ёдгорликлар билан танишмоқда

ЛУКСОР, 17 май. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун Н. С. Хрушчев президент Носир, шунингдек президентлар Бин Белла ва Ориф билан биргаликда Луксордаги аэропортни ва қадимий Миср нинг машҳур қасрлари — юз дарвозали Тибаларни кўздан кечирди. Бу қасрлар уч ярим минг йилдан бери қад кўтариб турибди, аммо ўз улуғворлиги ва гўзаллиги билан шу вақтгача одамларни ҳайратда қолдиради.

Бу қадимий шаҳар ҳеч қачон бугунгидек кўркам ва чиройли безатилгани йўқ эди. Эрталаб соат 7 бўлганда Луксорнинг бутун аҳолиси ҳурматли меҳмонларни табриклаш учун кўчаларга чиққан эди. Аэродромда Н. С. Хрушчевни ва президент Носирни Бирлашган Араб Республикаси бош министрининг информация, маданият ва миллий раҳбарлик масалалари бўйича ўринбосари А. Қ. Хатам, Кена губернатори Муҳаммад Абдулла Ғубор ва маҳаллий маъмурларнинг бошқа вакиллари кутиб олдилар.

Карнак аэропорти ва фиръавнлар саганаларини кўздан кечиргандан сўнг Н. С. Хрушчев, президент Носир, президентлар Бин Белла ва Ориф Қоҳирага самолётда жўнаб кетдилар. Ҳурматли меҳмонлар тушган машиналар ўтиб борган арабларнинг ҳар икки томонида тўпланган минг-минглаб кишилар уларни табриклаб турди.

Н. С. ХРУШЧЕВ Қоҳирага қайтиб келди

ҚОҲИРА, 17 май. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун Н. С. Хрушчев президент Носир, шунингдек президентлар Бин Белла ва Ориф тушган «ИЛ—18» самолети соат 13 дан 35 минут ўтганда Қоҳира аэродромига қўнди. Совет ҳукуматининг бошлиғи меҳмондўст Миср элида бўлган биринчи кундагидек ҳозир ҳам Бирлашган Араб Республикасининг пойтахтида шодиёна кутиб олинди.

Орденлар топширилди

АСВОН, 18 май. (ТАСС махсус мухбирлари). СССР Олий Совети Президиуми секретари М. П. Георгадзе ва СССР Энергетика ҳамда электрлаш давлат ишлаб чиқариш комитетининг раиси П. С. Непорожний кеча эрталаб Асвонда, баланд Асвон тўғони биринчи навбати қурилишида эришган муваффақиятлари учун СССР Олий Совети Президиуми Фармони билан мукофотланган баланд Асвон тўғони қурилишидаги совет ва араб мутахассисларининг катта бир группасига орден ва медаллар топширди.

М. П. Георгадзе ва П. С. Непорожний орден ва медалларни топшириб бўлгандан кейин, мукофотланганларни қизғин табрикладилар.

ОТАХОН ПЕДАГОГЛАРНИНГ ҲИММАТИ

Ҳа, пойтахтдаги отахон педагоглари ажойиб ишга қўл уришди. Тошкент шаҳар ўқитувчилар Уйига уюшган бу кекса ва тажрибали педагоглар пойтахтдаги мактабларнинг ёш ўқитувчиларига яқиндан ёрдам бериш ташаббусини бошлашди. Ташаббускор педагоглар мактабларда бўлиб, ёш ўқитувчилар томонидан олиб борилаётган машғулотларни кузатадилар, уларга амалий ёрдам берадилар. Ўқитишдаги ютуқларни оммалаштирадилар.

Тажрибали педагогларнинг ёрдамидан шу кунгача Тошкентдаги бир неча мактаб педагог коллективи баҳраманд бўлди. Уларнинг Тошкентдаги 105-мактабга келишлари бу тарбия ўчоғи педагогик коллективини ҳам бекад қувонтирди. Отахон ўқитувчи Аҳмаджон Умаров бошчилигидаги ўндан ортиқ педагог мактаб ишлари билан яқиндан танишди. Улар ёш ўқитувчиларнинг дарсларида бўлиб, қимматли маслаҳатлар беришди. Мактабнинг педагогик коллективи айниқса кекса ўқитувчилардан О. Шарофиддинов, М. Ғуломова ва бошқаларнинг ёрдамидан бекад ҳурсанд.

Бу жонкуяр ўқитувчилар мактабнинг бошлангич синфларида 70 дан ортиқ машғулотда бўлишди. Ўқитувчиларга йўл-йўриқлар, қимматли маслаҳатлар беришди.

Мактабнинг метод бирлашмаси ҳам жонкуяр педагогларнинг амалий ёрдамидан мамнун. Улар томонидан ўтказилган «Ўқувчиларнинг билимини тўғри баҳолаш», «Саводхонликка ўргатиш тажрибаси» деган темаларда мазмунли лекция ва суҳбатлар ҳам ҳаммага ёқди.

Яқинда мактабда бўлиб ўтган кечада отахон ўқитувчилар томонидан қилинган ишларга яқун ясалди. Мактаб директори ўртоқ Р. Азимов уларга катта миннатдорчилик билдирди.

Кечада кекса педагоглардан О. Шарофиддинов ва М. Ғуломовалар ҳам сўзга чиқишди.

В. АКБАРОВ.

БЕЛОРУССИЯ—ЎЗБЕКИСТОН САНОАТЧИЛАРИ МУСОБАҚАСИ

ҚУВОНЧЛИ ЯКУНЛАР

Белоруссия ва Ўзбекистон меҳнаткашларининг ўзаро дўстлик алоқалари қадим тарихга эга. Мамлакатимизда коммунистик жамият барпо этилаётган ҳозирги вақтда бу алоқалар янада камол топмоқда. Ўзбекистон қардошларимиз эҳтиёжи учун турли хил машиналар, жумладан экскаваторлар, кўтарма механизмлари, қатор агрегатлар, шунингдек мева ва сабзавот етказиб бераяпти. Ўз навбатида Белоруссиянинг ўнлаб саноат маҳсулотлари республикамизга келтирилаяпти.

Сўнгги йилларда иккала республика пойтахт областлари меҳнаткашларининг ўзаро социалистик мусобақаси авж олаётир. Мусобақадошлар бир-бирларининг ҳузурларига ташриф буюриб, ўзларининг тажрибаларини биргалигида баҳам кўришяпти. Бу эса иккала область саноати, қурилиши ва транспортини юксалтиришга ёрдам бермоқда.

Яқинда «Ўзбексельмаш» заводи меҳнаткашларининг вакиллари Минскдаги «Ударник» заводи коллективининг меҳмони бўлишди. Жодино шаҳридаги Белоруссия автомобиль ва «Ташавтомаш» заводларининг бир группа ишчилари, инженер-техник ходимлари бир-бирларининг ҳузурларига боришди. Минск комволь ва Тошкент тўқимачилик комбинатлари коллективлари тажрибаларини ўзаро баҳам кўриш туфайли ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда дуруст натижаларга эришмоқдалар. Икки область винокорлари, транспортчилари ва алоқачиларининг мусобақаси ҳам ажойиб самаралар бераяпти.

Ўзаро тенкириш бригадалари жойларда бўлишганда меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини ўрганиш билан бирга камчиликларни ҳам, фойдаланилмаётган резервларни ҳам кўрсатиб ўтмоқдалар. Бу эса ҳар бир коллективга иш ҳосилдорлигини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаб, таннархини камайтириш, ишлаб чиқаришни пухта ташкил этишда қўл келаяпти. Буни шу йилнинг биринчи квартали якунлари яққол кўрсатади.

Икки область саноати, транспорти ва қурилишида биринчи квартал учун белгиланган давлат планларининг бажарилиши қуйидагича бўлди (процент ҳисобида):

САНОАТ БЎЙИЧА

	Минск области	Тошкент области
Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш	103	103,5
Ялпи маҳсулот тайёрлашнинг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан кўпайиши	10,4	13
Меҳнат унумдорлигининг ошиши	100,7	103
Меҳнат унумдорлигининг ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан ошиши	4,6	5,1
Товар маҳсулоти таннархининг камайиши	0,2	0,6

ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА

Капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиши	102,6	82
Қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиши	113,3	91
Уй-жойларни фойдаланишга топшириш	138,6	58
Фойдаланишга топширилган уй-жой ҳажми (квадрат метр ҳисобида)	30137	48533

Минск области транспорт корхоналари коллективлари барча транспорт воситалари билан юк ташиш биринчи квартал планини 102,5 процент қилиб адо этдилар. Юкларни зич жойлаштириш эвазига 3 мингга яқин вагонни тежаб қолдилар, оғир юкли поездларда эса нормадагидан ташқари 573 минг тонна юк ташидилар. Автомобиль транспортида юк ташиш харажатлари белгиланганига қараганда 1,2 процент камайди.

Шуни очиқ эътироф этиш керакки, ўзаро социалистик мусобақада Тошкент области кўп ишлаб чиқаришни кўрсаткичлари бўйича белоруссиялик қардошларимиздан орқада қолмоқдалар. Айниқса, биз мусобақадошларимиздан капитал қурилиши, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа шу каби муҳим соҳаларда орқадамиз. Областимизнинг шарафи ва шуҳратига доғ бўлиб тушувчи бундай камчиликлар тезроқ бартараф этилиши лозим.

БУГУН В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТУҒИЛГАН КУН

ЁШ ЛЕНИНЧИЛАРНИНГ ШОНЛИ ЙИЛНОМАСИ

Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти ўзининг шонли йилномасига эга. Ҳали бу ташкилот тузилмасдан олдин улуғ доҳимиз В. И. Ленин «Болалар ташкилоти — коммунарларни тарбиялашнинг энг яхши йўлидир» деган эди. Пионер ташкилоти мамлакатимизда социализм қуришга киришилган тарихий кунларда дунёга келиб, улуғ ватанимиздаги юз берган тарихий воқеалар билан ҳамнафас бўлиб ўсди, мамлакатимиз муваффақиятларига ўзининг кичик ҳиссасини қўшди.

1922 йил 13 февраль куни Москвадаги 16-босмахон а д а дастлабки пионер отрядларидан бирининг тўнғич сбори бўлиб ўтган эди. Шундан кейин Ватанимиз пойтахтида ва бошқа йирик шаҳарларда пионер отрядлари тузилабошланди. Ўша йили 19 май куни Краснопресненский районидаги пионерларнинг сбори бўлиб ўтди.

Ёш ленинчиларнинг бу коммунистик ташкилоти ўзининг 42 йиллик тарихида жуда катта йўлни босиб ўтди. Унинг сафларида тарбияланган кўплаб қаҳрамонлар совет ватанининг шон-шуҳратини бутун дунёга таратдилар. Шу пионер сафида тарбияланган Павлик Морозов, Валентин Котик, Лёня Голеков каби ёш қаҳрамонларнинг кўрсатган жасоратлари ҳаммага намуна бўлди.

1927 йил Симферополь пионерлари мактаб ва оталиқдаги қишлоқларни радиолаштириш учун юриш бошладилар. Қисқа муддат ичида болалар кучи билан 16 та радио карнай ўрнатилди. Ўша йили Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Тошкентда Марказий бунинг хонасини очди. Бир йил кейин эса мамлакатимиздаги пионерлар маблағига қурилган «Пионер» самолёти СССР Ҳаво Флотига топширилди. 1929 йили пионер Олим Иброҳимов Павлик Морозовдек жасорат кўрсатган эди. Ўша йили Олим яшаётган Ниёзақум қишлоғида колхоз ташкил этилаётган эди. Деҳқонлар ёппасига колхозга ёзилишди. Лекин бу нарса бойларга ёқмади. Шарифбой исмли қулоқ колхоз тузумига қарши фитна уюштиришга киришди. Олим бундан хабар топиб, тезлик билан колхозчиларга маълум қилди. Кичик пионер Олим Иброҳимовнинг сезгирлиги туфайли фитнанинг олди олинди.

1931 йилда Ўзбекистон пионерлари мамлакатимиз тўқимачиларига ўзлари бериб тўплаган уч эшелон пахтани юбордилар.

1935—1939 йилларда Тошкентда республика пионерлар саройи очилди, Андижонда пионерларнинг марказий шаҳар клуби ишга тушди.

Улуғ Ватан уруши йилларида пионерларимиз катталар билан бир қаторда жонбозлик кўрсатиб, умум ишига муносиб ҳисса қўшдилар. 1942 йили бутун мамлакат бўйлаб «Пионер — фронтга» деб номланган Бутуниттифоқ пионер якшанбалиги ўтказилди. Болалар металл парчалари тўплашди, мактаб ва госпиталлар учун ўтин қирқишди, жангчилар оилаларининг уйларини қишки мавсумга тайёрлашда кўмаклашдилар. Ўзбекистон пионерлари эса 125 минг тонна металлом, 600 тонна доривор ўсимлик, 500 тонна мева-чева тўплашди. Мудофаа фондига 5 миллион сўм пул йиғдилар.

Айниқса, урушдан кейинги йилларда пионер ташкилотларининг ишлари жонланиб кетди. Ёш ленинчилар яхши ўқиш, катталар меҳнатига кўмаклашиш, коммунистик жамиятнинг муносиб қурувчилари бўлиб етишиш соҳасида кўпгина ишлар қилдилар.

Биргина Ўзбекистон пионерлари 1948 — 1949 йилларда республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида 3802295 туп дарахт кўчати ўтқазишди. Бу фактларнинг ўзи пионерлар ёшлик вақтларидан бошлаб улкан ишларни бажаришга қодир бўлиб ўсаётганликларидан дарак беради.

ВЛКСМнинг VIII пленуми пионер ташкилотининг ишини янада ривожлантиришга доир қарорлар қабул қилди. Бу қарорга биноан пионер қонунлари, болаларнинг ёшларига қараб кўникмалар олиши учун пионер босқичлари жорий қилинди. Босқичлар ҳар бир ёшдаги болаларнинг қўлидан келадиган ишларни бажариши лозимлигини талаб қилади. Ана шу пленум қарорига мувофиқ пионер ташкилотига 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар қабул қилинадиган бўлди.

1960 йилдан бошлаб пионер ташкилотининг иши мисли кўрилмаган даражада авж олиб кетди. Шу йили иккинчи октябрда В. И. Ленин комсомолининг Бутуниттифоқ съездида нутқ сўзлаганига 40 йил тўлган кундан пионер яхши ишларининг икки йиллигига старт берилди.

Икки йилликда республикамиз мактабларида бир ярим минг Ленин хоналари, заллари ва бурчаклари ташкил этилди. 2 мингга яқин пионер отрядлари «Еттийиллик йўлдоши» деган шарафли номни олишга муяссар бўлди. Пионерлар 30 минг тонна металл парчалари йиғишди, 60 мингга қўён боқишди, 5 миллион туп дарахт ва ток кўчатлари ўтқазишди, 5 мингдан ортиқ ўқув қуролларини ясашди.

Бугун икки йил муқаддам — пионер ташкилоти тузилганига 40 йил тўлган куни у юксак мукофот — Ленин ордени билан тақдирланди.

Бугун фарзандларимизнинг севимли ташкилотига улуғ доҳий номи берилган кунининг 40 йиллигини кенг нишонлаймиз. Бу байрамга ёш ленинчилар катта совғалар билан келишди. Уларнинг қилган барча ишларини санаб чиқиш қийин. Пионерларнинг:

«Ҳар юракда улуғ
Ленин номи бор,
Партияга садоқатин иш-ла
этамиз изҳор!»

деган муқаддас шиорлари бор. Улар бу шиорга ҳамиша содиқдирлар. Пионерлар улуғ Ватанимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишмоқдалар.

Н. ОРИФЖОНОВ.

БИРИНЧИ ГАЛСТУК

...Юзлаб ўғил болаларга ва қизларга қизил галстуклар тақилишидан анча илгари Ленинграддаги Октябрь темир йўлида комсомоллар шанбалик ўтказган эдилар. Бир группа ўғил болалар катталар билан бирга ишлашарди. Қизлар аёл ишчиларга эргашиб, бошларига қизил дуррача боғлаб олишган эди. Шу пайт пастдан темир йўл изида Дзержинский пайдо бўлиб қолди. У болаларни кўриб сўради:

— Бу азаматлар ким бўлди?

Унинг ҳамроҳларидан бири нима деярини билмай қўлларини ериб:


— Ҳайдаганимиз билан келишаверади-келишаверади, — деди.

— Бундай болаларни ҳайдаш керак эмас, балки уюштириш керак, — деди Дзержинский. Кейин Оля исмли қизнинг бошидаги дуррачани олиб, унинг бўйнига боғлаб қўйди-да:

— Мана шундай боғлаб юр, катта бўлишга ошиқма, — деди.

Шу воқеадан кейин, орадан кўп ўтмай, Октябрь темир йўлида пионер отряди тузилди. У, мамлакатимиздаги пионер отрядларидан биринчиси эди.

КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ЗВЕНОЛАР— ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖИНИНГ ИСТИҚБОЛИ





Оққўрғон бошқармасидаги 2.«Оққўрғон» совхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Тюпко методига пахтакорларимиз ўртасида қизиқиш катта. Бу йил ҳам республикамизнинг бир группа механизаторлари ундан пахта етиштиришдаги илғор методларни ўрганишаяпти. Билим олувчилар ҳосил йиғим-терими тўла якунлангунга қадар Тюпко бригадасида тажриба орттиришади. Суратларда: (ўнгда) В. А. Тюпко республикамизнинг турли жойларидан келган механизаторлар—Н. Маматқулов (чапдан) Э. Махамадаминов, Р. Очилов ва С. Тоиров ўртоқлар билан далада машғулот ўтказмоқда. У қатор ораларига биринчи ишлов бериш агротехникасини тушунтирмоқда. (Чапда) В. А. Тюпко бошлиқ бригаданинг 3-звеноси даласида яшил квадратларга ишлов берилмоқда. Механизатор ўртоқ Султон Йўлдошев ўз агрегатини ишонч билан бошқармоқда.

В. Сироткин фотолари.

ЗВЕНО БОШЛИҚЛАРИ БИЛИМДОН БЎЛСИН

Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги 2-«Оққўрғон» совхозининг партия, касаба союз ташкилотлари ва совхоз дирекцияси комплекс механизациялашган звенолар раҳбарларининг малакасини оширишга катта аҳамият бериб, уларнинг 1964 йилда ўқишини ташкил қилиш юзасидан программа ишлаб чиқишди.

Ўқиш программасига мувофиқ звено раҳбарлари ишдан ажралмаган ҳолда 51 соат ўқишади. Шу давр мобайнида қишлоқ хўжалиги агротехникасига доир 16 та тема юзасидан машғулот бўлади. Машғулот давомида пахтачиликни комплекс механизациялаш ва унинг агротехникаси, пахтани машинада теришни ташкил қилиш, ҳосилни қоп-қанорсиз, нобуд қилмасдан ташиш, пахта етиштиришда маҳсулот таннархини ва харажатларни камайтириш, асосий ва қўшимча ҳақ тўлашнинг турлари, аккорд-мукофот ва нарядсиз ишлаш системасида ҳақ тўлаш, техника картаси тузиш ҳамда ундан фойдаланиш, звенода қилинган ишларни ҳисобга олиш ва ҳисоб бериш, шунингдек бошқа бир қатор темалар ўқиш программасига киритилган.

Машғулотларни ўтказишга совхоз раҳбарлари ва мутахассислари, жумладан совхоз директори Аракелян, бош агроном Нурматов, бош инженер Ғоибов, агроном-энтомолог Абдуллаев, агроном-экономист Абрамов, совхознинг бош бухгалтери Салин, шунингдек машҳур механизатор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Тюпко, агроном Самис Ларченко ўртоқлар жалб этилган.

Курсда машғулотлар ҳар ҳафтада бир марта икки соатдан ўтмоқда.

* * *

Бўка ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Ҳамза номли колхозда ҳам звено раҳбарларини ўқитиш яхши йўлга қўйилган. Бу ерда тўрт ойлик ўқиш плани ва программаси ишлаб чиқилган. Бу программага мувофиқ курсда ҳаммаси бўлиб 32 соат машғулот бўлади. Машғулотлар икки соатдан ҳар ҳафтада бир марта ўтиб турибди.

Курсда агротехника, механизация ва экономикани ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. Курс программасига мувофиқ пахтачиликни химиялаштиришни ўрганиш масаласига икки кун ажратилган. Химияни ўрганишда минерал ўғитлар, бактериялар ва микроэлементларнинг турлари ҳамда уларни татбиқ қилиш, компостдан фойдаланиш, озиқлантиришда техникадан рационал фойдаланиш соҳаларига катта аҳамият берилади. Экономикани ўрганиш масаласида эса механизациялашган звеноларнинг технологик карталарини тузиб чиқиш, колхоз правлениелари билан шартнома тузиш, ишни ташкил қилиш, норма белгилаш, ҳақ тўлаш, хўжалик ҳисобини олиб бориш, қўшимча ҳақ тўлаш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришда резервларни қидириб топиш масалаларига кенг ўрин берилади.

Курсдаги машғулотларни асосан колхоз раҳбарлари ва мутахассислар олиб боришяпти. Колхоз раиси Хожиматов, агрономлардан Н. М. Ли, Эгамназаров, партия ташкилотининг секретари Валижонов, экономист Мухторов ва бошқа ўртоқлар курсда лекция ўқиб, суҳбатлар ўтказяптилар.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон КП Тошкент қишлоқ область комитетининг секретариати Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги 2-«Оққўрғон» совхози партия ташкилоти ва дирекциясининг, Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ҳамза номли колхоз партия ташкилоти ва правлениесининг комплекс механизациялашган звенолар раҳбарларининг ўқишини ташкил қилиш ҳақидаги тадбирларини муҳокама қилиб, уни маъқуллади.

Секретариат ишлаб чиқариш бошқармаларига, партия комитетларига агротехника ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш экономикасини ўрганиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва ташкил қилиш юзасидан колхоз, совхозларнинг раҳбарларига яқиндан амалий ёрдам беришни топширди.

Илғор пахтакорлар аҳди

Ўтган йили Ўрта Чирчиқдаги «Ленин йўли» колхозининг ўртоқ Шодмон Сувонов бошлиқ бригадаси пахта ҳосилдорлигининг юқорилиги жиҳатидан бошқарманинг машъал бригадалари сафидан ўрин олган эди. Шу кунларда бригадага борган киши «ҳа, пахтакорлар бу йил ўтган йилги муваффақиятларини янада мустаҳкамлаяптилар» деб айтаолади.

Ҳақиқатан ҳам бригадада муваффақиятлар мустаҳкамланмоқда. Деҳқонлар мурғак ғўзаларни меҳр билан парвариш қилаяптилар. Айниқса ҳар гектар ерда 100—105 минг туп кўчатни соғлом ўстириш учун қизғин кураш кетяпти. Тракторчилардан Комил Қодиров, Парда Тўйчиев ва Абдуманноп Ҳалилов ўртоқларнинг ҳар бири кунига 9—10 гектар ерни кўнгилдагидай культивация қиляпти. Ҳозиргача 50 гектардан кўпроқ майдон сифатли культивациядан чиқарилди.

Ғўзани яганалаш ҳам қизғин давом этаяпти. Бу ишда Ҳ. Турғунов, Ш. Тўхлиев каби ўртоқлар бошқаларга ўрнак кўрсатишяпти. Уларнинг ҳар бири кунлик нормани 2,5 бараварга етказиб бажармоқда.

Ўртоқ Шодмон Сувонов бошлиқ бригаданинг олийҳиммат деҳқонлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг қирқ йиллиги тантанали тўй қилинадиган кунгача ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» олишга бел боғлашган.

Бошқармада бундай пешқадам бригадалар кўп. Карл Маркс номли колхознинг ўртоқ А. Боймақов бошлиқ бригадасида бажарилаётган ишлар ҳам кишини ғоят қувонтиради. Гектар бошига 30 центнердан хирмон кўтаришга сўз берган бу бригада деҳқонлари ғўза парваришини кун сайин авж олдирмоқдалар.

Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВ, Т. НАБИЕВ.

ҲАМ ХУРСАНД, ҲАМ ХАФА БЎЛАСИЗ

«Озод» колхозига борсангиз бир томондан хурсанд, иккинчи томондан хафа бўласиз. Хурсандчилик томони шуки, хоҳ қир ерларни, хоҳ пастки ерларни кезсангиз бир текис униб чиққан ғўзаларга кўзингиз тушади. Ҳатто, ўртоқ Сафар Мавлонов бошлиқ бригаданинг 29 апрелда бузиб экилган қирдаги ғўзалари ҳам бир текис чиқиб, яганабоп бўлиб қолган. Буларни кўриб хурсанд бўласиз.

Катта йўлнинг чап томонидаги ўртоқ Турсунали Абдуллаев бошлиқ бригада ерлари дарҳол кишининг эътиборини жалб қилади. 43 гектарлик картадаги яшил квадратларга ҳавасингиз келади. Икки томонлама культивация қилиниб озиқлантирилган бу ғўзалар ўртасида бир дона ҳам бегона ўт кўринмайди. Ер майин, ҳафсала билан яхши культивация қилинган. Бригаданинг механизаторлари Бакир Алихонов билан Муҳаммад Абдуллаевларнинг астойдил ишлаганликлари кўриниб турибди.

Қирда «Партия XXII съезди» колхозига туташиб кетган ўртоқ Худойберди Худойқулов бошлиқ бригада ерлари жуда гавжум. Бир талай одам ғўза ораларидаги ўтни ўлдириб кетяпти. Аслида бу бригаданинг 90 гектар ерида бригада бошлиғи билан беш киши ишлайди, холос. Яъни ҳар бир ишловчига 18 гектардан ер тўғри келади. Лекин уларнинг юки ерда қолаётгани йўқ. Чунки илғор «Заря коммунизма» колхози «Озод» колхозидаги 250 гектар пахта майдонини экишдан тортиб ҳосилини йиғиб олгунга қадар зарур пайтларда ёрдам бериш учун оталикка олган. Бугун ҳам «Заря коммунизма»дан келган колхозчилар шу ерда мадад бермоқдалар. Бу ҳам кишини қувонтиради.

«Озод» колхозида ғўза қатор ораларини ишлаш ҳам унча ёмон эмас. Ҳозиргача 765 гектар пахта майдонидаги ғўзанинг қарийб 500 гектари кўндалангига, салкам 300 гектари узунасига культивация қилиб чиқилди. Зоийд Умаров, Ҳамид Меданов, Дўсан Фармонов, Мирғани Хасанов, Бакир Алихонов сингари механизаторлар кунига нормадаги 7 ўрнига 9—10 гектар ердаги ғўзани культивация қилишяпти. Бу механизаторлар культивация билан бир вақтда ёш ниҳолларни озиқлантириб ҳам кетишяпти. Ҳар гектар ерга 100 килограмм фосфор ва 50 килограмм азот солишяпти.

Булар шубҳасиз колхозда 1273 тонна пахта ҳосили етиштириш йўлида қилинаётган дастлабки амалий тадбирлар.

Бироқ шунча яхши ишлар, агротехника ва ташкилий тадбирлар билан бирга кишини ранжитадиган ва афсуслантирадиган камчиликлар ҳам бор.

Масалан, энг муҳим агротехника тадбирларидан бири бўлган ғўза яганаси жуда кечиктирилиб юборилаётир.

Колхоз партия ташкилоти секретари ўртоқ Алишев 203 гектар ердаги ғўза ягана қилинди, колхозчилардан 70—80 киши, четдан 75, «Заря коммунизма» колхозидан 70 киши ғўза яганасига қатнашяпти деди. Бироқ 1, 5, 6, 10-ва бошқа бригадаларда ягана қилувчиларни ҳам, ягана қилинган ерларни ҳам кўролмайсиз. Ўртоқ Алишев 5-бригаданинг 90 гектар пахта майдонидан 60 гектар ғўзаси ягана қилиб қўйилган деди. У бригаданинг ғўзалари икки томонлама культивация қилиниб, озиқлантирилгани, ёввойи ўтлар йўқотилгани тўғри. Аммо ягана қилинганига ишониб бўлмайди. Чунки ҳар қайси уяда 7—8 тупдан ғўза борлиги, баъзилари бўй чўзиб қизилпоча бўлабошлагани кўриниб турибди.

Бу колхозда агротехника тадбирларидан қайси бирини олдин ўтказиш зарурлиги тўғрисида ҳам аниқлик йўқ. Ўртоқ Худойберди Эгамбердиев бошлиқ бригадада «Заря коммунизма» колхозидан келган ўртоқлар энг олдин ғўзани тезроқ ягана қилиш ўрнига ёввойи ўтларни ўлдириш билан овора бўлмоқдалар. Тағин трактор кўндалангига юриб, узунасига культивация қилинмаган, ўтлар йўқотилмаган жойда шундай бўлаяпти. Тўғриси, трактор қиладиган ишни одамлар бажаришяпти. Бунга бригада бошлиғи ҳам, колхоз раҳбарлари ҳам эътибор бермаганлар. Ёрдамга келган ўртоқлардан тўғри фойдаланиш зарурлигини яхши ўйлаб кўрмаганлар.

Колхоз раҳбарларига нега ғўза яганаси кечикди десангиз, дарҳол улар пиллани пеш қилишади. Тўғри, пилла билан ғўза парвариши бир вақтга тўғри келган айни пайтда ишлар жуда тиқилинч. Бироқ пилла деб ғўза парваришида пала-партишликларга, мавжуд ишчи кучларидан нотўғри фойдаланишга йўл қўйиб бўлмайди-да. Колхозга пилла ҳам, пахта ҳам зарур. Шуни ҳисобга олиб ишни тўғри ташкил этиш, ғўза яганасини тезроқ туғаллаш, ишдаги пала-партишликка хотима бериш зарур.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

КЎЧАТ ТЕКИС—ҲОСИЛ БЎЛИҚ

Ҳар гектар ерда кам деганда юз минг туп кўчат етиштириб уни ҳосил йиғим-териминиг охиригача сақлаб қоламиз! Колхозимиздаги каттадан кичик ана шу мақсадни дилига жо қилиб олгани ҳолда меҳнат қилмоқда.

Тўғри, бу йил биз, пахтакорлар учун об-ҳаво ноқулай келди. Тинимсиз ёққан ёмғир туфайли экишни бир мунча кеч муддатларда тугатдик. Лекин тадбиркор деҳқон табиат қийинчиликлари олдида саросимага тушмайди. Зиммага олган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган ҳосил етиштириш учун ҳамма чораларни кўради. Биз ҳам шундай қилиш учун курашмоқдамиз.

Бу йил бир минг саккиз юз гектар ерга чигит экишни планлаштирган эдик. Бу майдонга чигитни экиб ҳам бўлдик. Бироқ экишнинг чўзилиб кетганлиги ялпи ҳосилга салбий таъсир қилмаслиги чорасини ҳам кўриб қўйдик: икки юз гектар майдонга қўшимча чигит экдик.

Ҳозир даламизга келган киши ишимизнинг бошланиши чакки эмаслигини кўради. Бир минг саккиз юз гектар майдондаги чигитимиз бир текис ва тўла ундириб олинган. Биз чигит униб чиқиши биланоқ парваришни кучайтириб юбордик. Ахир бу йилги шароитда ғўзани ўз вақтида ва сифатли культивация қилиш, бу ишни озиқлантириш билан бирга қўшиб ўтказишнинг аҳамияти ниҳоятда каттада. Шу кеча-кундузда далаларимизда 24 та трактор ишлаяпти. Ҳар бир механизатор культивация қилишда гектарларнинг сони учун эмас, сифати учун курашмоқда.

Биз бригадирлар, агрономлар, звено бошлиқлари билан бамаслаҳат иш кўриб, биринчи навбатда озиқлантирилиши лозим бўлган майдонларни белгилаб олганмиз. Ана шу майдонларга культивация билан бир вақтда ерга ўн-ўнбеш сантиметр чуқурликда, қаторлардан ўн беш-ўн саккиз сантиметр нарига ўғит солиб кетиляпти.

Барвақт қилинган ягана — ҳосилга барака беради. Уяларда кўчат нормал бўлса, ғўза нормал миқдорда озиқланиб, сувдан, қуёш ҳароратидан бир текис баҳраманд бўлиб, соғлом ва бақувват ўсади. Ана шунинг учун ҳам яганани эрта муддатларда бошладик. Шу кунларда колхозимиз бўйича 700 га яқин киши ғўза парвариши билан банд бўлмоқда. Ҳозиргача 350 гектардан ортиқ майдондаги ғўзани ягана қилиб қўйдик. Ҳар куни 80—100 гектар ер ягана қилинмоқда.

Энг кейин экилган қўшимча икки юз гектар майдонда чигитнинг униб чиқиши қандай дерсиз? Ҳозир ана шу майдонларда ҳам чигитни тез кун ичида бир текис ундириб олиш учун бутун куч ва маҳоратимизни сарф қилмоқдамиз. Ҳар бир карта, ҳар бир қарич ер кузатиб борилаяпти.

Бригадаларимиз республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги юбилейи шарафига мусобақани авж олдириб юборишган. Айниқса Анорбой Тожихонов, Тўрақул Мархабоев, Ҳамдам Неъматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда бўлсангиз пахтакорларнинг бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилаётганликларини кўрасиз. Бу бригадалар ҳар гектар ердан ўттиз-ўттиз икки центнердан хирмон кўтариш учун бел боғлаганлар. Гектарларнинг тўла, кўчатларнинг бут бўлиши учун курашмоқдалар. Озиқлантириш сифатли ўтказилаяпти.

Бу йил колхозимиз бўйича ҳаммаси бўлиб тўрт минг беш юз тонна пахта етиштирамиз, деган ниятимиз бор. Қўшимча экилган ердан олинадиган ҳосил бу ҳисобга кирмайди. Ҳар гектаридан олинадиган пахта ҳосилининг кам деганда 25 центнер бўлишини таъминлаш учун барча чора ва тадбирларни кўрамиз.

Мўл ҳосил тўплашда ҳозирги кунларнинг ҳар соати, ҳар минути ғанимат. Кимки, шу кунларда тер тўкиб меҳнат қилса, кўчатни бутлаб олса, у албатта, кузга бориб баракали хирмон кўтаради. Колхозимиз аъзолари буни жуда яхши биладилар. Шунинг учун ҳам улар астойдил меҳнат қилиб, ғўза парваришини тобора авж олдирмоқдалар.

Ўроз ЖАРҚИНБОЕВ,
Бўка. Ильич номли колхознинг раиси.

ҲАР ИШГА ҚОДИР

Шонли совет хотин-қизлари хўжаликнинг ҳар бир соҳасида эркаклар билан елкама-елка туриб меҳнат қилмоқдалар. Завод ва фабрикаларда қудратли агрегатларни моҳирона бошқармоқдалар, колхоз ва совхоз далаларида жавлон уриб, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирмоқдалар, фан сирларини ўрганмоқдалар. Мамлакатимиз экономикасининг ҳеч бир тармоғини уларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Улуғ Октябрь революциясидан кейин жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлиб қолган аёлларимиз ўзларининг жуда катта-катта ишларни бажаришга қодир эканликларини бутун олам олдида намойиш қилмоқдалар.

Бизда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролларини ошириш учун жуда кўп тадбирлар кўрилаяпти. Жойларда хотин-қизлар советларининг ташкил этилиши бунинг ёрқин ифодасидир. Областимиз қишлоқ районлари, совхоз ва колхозларида юзлаб ана шундай советлар ишлаб турибди. Улар хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги ролини ошириш, ижтимоий ҳаётга жалб қилиш борасида мақтовга сазовор ишлар қилмоқдалар.

Яқинда Москвада район, совхоз, колхоз хотин-қизлар советлари раисларининг Бутуниттифоқ семинари бўлиб ўтди. Унда советлар фаолиятини яхшилашга доир масалалар муҳокама қилинди. Семинарда илғор хотин-қизлар советларининг иш тажрибалари ўрганилди, колхоз ва совхозлардаги советларнинг кўп қиррали фаолиятлари ҳақида докладлар тингланди. Хотин-қизлар советлари амалга ошираётган ишларнинг кўлами чексизлиги, улар аёлларимизни тарбиялашда партиямизнинг актив ёрдамчилари эканликлари қайд қилинди.

Семинарда сўзга чиққан Орлов области вакили ўртоқ Дмитриева областдаги хотин-қизлар советлари бошқа масалалар қатори аёллар маиший турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ишлар билан ҳам муттасил шуғулланаётганликларини айтди. Улар ташаббуси билан қатор ҳаммомлар, ошхоналар, кир ювиш хоналари ва бошқа шу каби маданий-маиший муассасалар очилган, ЗАГСлар фаолияти устидан қатъий контроль ўрнатишган. Советлар чала савод аёлларни рўйхатга олишган ҳамда уларнинг ўқувини ташкил этишган. Областда хотин-қизлар халқ хори ташкил этилган, мавсумий болалар муассасалари 20 баравар кўпайтирилиб, 600 тага етказилган.

Винницк областидаги Хмельницкий ишлаб чиқариш бошқармаси хотин-қизлар советининг раиси ўртоқ Николаева аёлларни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил гапириб берди. Улар ўртасида мунтазам коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексини тушунтириш бўйича назарий конференциялар ўтказиб турилар экан. Молдавия ССРдаги «Красное знамя» колхози хотин-қизлар советининг раиси ўртоқ Бофурованинг нутқи зўр қизиқиш билан тингланди. У ўзи раислик қилаётган совет коллективининг ажойиб ишлари ҳақида батафсил ҳикоя қилди. Совет колхозда сут кухняси ташкил этган. Натижада 313 колхозчи аёл ўз гўдаклари учун бу ердан пулсиз сут олмоқдалар.

Кострома областидаги Судиславский райони хотин-қизлар советининг раиси ўртоқ Зинченко хотин-қизларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларда келажак кишисига хос фазилатларни шакллантиришга алоҳида эътибор берилаётганлигини таъкидлади.

Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Кострома областидаги 12-Октябрь номли колхоз раиси ўртоқ Малининанинг нутқи семинар қатнашчилари томонидан қизғин кутиб олинди. У колхоз хотин-қизлар Совети ота-оналар ўртасида олиб борилаётган иш кўламини тобора кенгайтираётганлигини, ёшлар тарбияси билан мунтазам шуғулланаётгани, уларда меҳнат кўникмалари ҳосил қилиш, ҳар бир касбга нисбатан ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялашга ёрдам бераётганлигини ғурур билан сўзлаб берди.

Москвадаги шарикоподшипник заводи хотин-қизлар Советининг раиси ўртоқ Огурцова аёллар турмушини яхшилаш бўйича амалга оширилган тадбирларни айтиб берди. Совет гигиена, ёш болали оналар хоналари, болалар боғча ва яслилари ташкил этган. Ульянов областидаги Ульянов райони хотин-қизлар Советининг раиси ўртоқ Иванова область хотин-қизлар советлари аёлларнинг ижтимоий фойдали меҳнатда кенг иштирок этишларини таъминлаш масаласини диққат марказларида сақламоқдалар. Бу ерда вақти-вақти билан аёллар слёти ўтказилади, хотин-қизлар учун махсус маданият университетлари ташкил этилган. Аёлларнинг «Дам олиш куни» ўтказиб турилади. Ана шу кунларда хотин-қизлар шаҳар атрофларига, ўрмонларга ва бошқа кўнгил очиш жойларига боришади. Донгдор колхозчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Н. Г. Заглада жуда муҳим бир масалани ўртага ташлади. У хотин-қизлар советлари аёлларни меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашлари лозим, деб таъкидлади.

Семинарда жуда кўп бошқа ўртоқлар ҳам сўзлашди. Семинар шубҳасиз, хотин-қизлар советлари фаолиятларини янада яхшилашга катта ёрдам беради. Қардош республикалардаги хотин-қизлар советлари иши билан яқиндан танишиш натижасида кўп нарса ўргандик. Ана шуларнинг ҳаммасини жорий қилиш ниятидамиз. Бу эса областимиз район, колхоз ва совхозларидаги хотин-қизлар советларининг ташкилотчилик ва тарбиявий ролини янада оширишга ёрдам беради.

Х. СОДИҚЖОНОВА,
Тошкент қишлоқ область партия комитети идеология бўлимининг инструктори, семинар қатнашчиси.

ПОЙТАХТ ЯКШАНБАСИ

САЙЛГОҲ БОҒЛАРДА ❊ МЕҲНАТКАШЛАР ҲИММАТИ ❊ СПОРТЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ ❊ *БАҲОР ТАРОНАЛАРИ*

Ўтган дам олиш куни пойтахтимиз меҳнаткашлари мириқиб ҳордиқ чиқарган, кўнгил очган кун бўлди. Тошкент сайлгоҳлари, парклари, шаҳар атрофидаги хушманзара жойлар минг-минглаб дам олувчилар билан гавжум бўлди. Дендропарк, Тошкент денгизи, Бўстонлиқ боғларида коллектив бўлиб дам олишга чиққан ишчи ва хизматчилар баҳорнинг бу бир кунини зўр хурсандчилик билан ўтказдилар. Ов ишқибозлари эса эрта тонгдан Тошкент яқинидаги ҳавзалар ва кўлларга балиқ овига йўл олишди. Пойтахтимиз парклари, спорт майдонларида оммавий сайллар, қизиқарли мусобақалар ўтказилди. Айрим район меҳнаткашлари ва йирик-йирик корхона коллективлари якшанба куни оммавий хашарда қатнашиб, севимли шаҳримизни обод ва гўзал қилиш ишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Меҳнат гаштига ўйин-кулги, ашула ва рақс уланиб кетди. Ҳамшаҳарларимиз кўнгилли дам олиб, куч тўплаб, яхши таассуротлар билан яна завқли меҳнат қучоғига қайтдилар.

Қуйида ўтган якшанба куни ўтказилган айрим тадбирлар ҳақидаги материалларни эълон қиламиз.

Ҳ А Ш А Р Д А

Тонг. Тун пардасини заррин нурлари билан йиртиб чиққан қуёш Лоҳутий кўчаси тепасидан аста кўтарилиб Навоий проспектига мўралайди. Бетондан кафтдек текис қилиб ишланган кенг кўча сатҳига ҳозиргина сепилган сувда қуёш жилва қилади. Эсаётган шабада муаттар ҳидни димоққа уради. Кўчанинг ҳар икки чеккасидаги манзарали дарахтлар остида асфальт йўлка чиннидек ярқирайди...

Пойтахтимизнинг Навоий кўчаси жонажон республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик тўйигача ана шундай чиройли манзара касб этади. Ҳозирча эса бу ерда қурилиш ишлари қизғин. Машина ва механизмлар тинимсиз ҳаракатда. Шаҳар аҳолиси қурилиш ташкилотларига ёрдам бериш, ишни тезлаштириш мақсадида тез-тез хашарлар уюштиряпти.

Октябрь район партия комитетининг ташаббуси билан кечаги якшанба куни ўтказилган хашар айниқса оммавий тус олди. Бу катта якшанбаликка қатнашмаган бирор корхона, муассаса, мактаб ва маҳалла қолмади. Районнинг 15 мингдан ортиқ аҳолиси бир жон, бир тан бўлиб шаҳарни обод қилиш ишига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида бу ерга келди.

Соат 12 бўлмасданоқ ўзларига ажратилган участканинг ишини ўринлатиб қўйган ипакйигирув, 3-тикувчилик фабрикалари, кўн-мўйна заводи, «Средазглавметснаб» коллективлари, қурилиш техникуми студентлари, 10, 38, 40, 41-мактаблар, профессионал техника билим юрти ўқувчилари бошқа участкаларга ёрдам бердилар. Райондаги «Октябрь» маҳалласидан келган отахонларни айтмайсизми?! Йигитлардек ғайрат қилишди улар. «Ташсельмаш» заводининг собиқ ишчиси, пенсионер Ориф ота Шарипов 70 баҳорни кўрган бўлишига қарамай, ҳали тетик.

— Сиз ишбоши бўлиб туринг, кетмонни эса ёшларга беринг, десам ҳам кўнмайди отаси тушмагур,— дейди маҳалла комиссиясининг раиси ўртоқ Мақсудхўжаев.

16-қурилиш билим юрти, маданий-оқартув мактаблари бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг духовой оркестрлари кишиларни меҳнатга руҳлантириб турди. Октябрь район пишчеторги ташкил этган кўчма буфетлар хашарчиларга намунали хизмат кўрсатди.

ИШҚИБОЗЛАР ХУРСАНД


Шу куни «Пахтакор» стадиони трибуналари томошабинлар билан лиқ тўлди. Улар «Пахтакор» — «Черноморец» ўртасида бўлган мамлакат биринчилиги матчини ҳаяжонланиб кўрдилар. Украинанинг энг кучли командаларидан бири бўлган бу коллектив билан бўладиган мусобақага қизиқиш катта эди. Ўйин телевизор экранларида олиб кўрсатилди. Бу ерга келган кино операторлар ҳам тиним билмай ишлашди. Ҳатто стадион устида айланиб учиб юрган вертолетдан ҳам ўйиннинг бориши суратга олиб турилди.

Стадион узра икки марта кучли олқишлар янгради. Ҳар икки гал ҳам олқишлар «Пахтакор»нинг капитани Г. Красницкийга бўлди. Марказий ҳужумчимиз аввал ҳаммани ҳайратда қолдириб 20 метрлардан штраф тўпини уриб ҳисобни очди. Кўп ўтмай пенальтидан яна бир гол киритди. «Черноморец» дарвозабони дарвоза олдида И. Малиновскийни оёғидан тортиб ушлаб қолгани учун судья меҳмонларни шундай «жазо» билан «жазолаган» эди. Ҳисоб 2:0 бўлди. Иккинчи таймда тошкентликлар бу ғалабали ҳисобни сақлаб қолдилар. Энг кучли рақибдан муҳим икки очкони қўлга киритган «Пахтакор» футболчилари шу куни ўз ишқибозлари руҳини кўтарди. Командамиз 8 ўйиндан 13 очко тўплаб бошқа командалардан анча ўзиб кетди.



«Черноморец» дарвозаси олдида хавфли вазият.

В. Сизов фотоси.



Велосипед пойгасида биринчи ўринни олган Ўзбекистон спортчилари республика Министрлар Советининг фахрий мукофотини қўлга киритдилар. Суратда: Ўзбекистон велосипедчиси А. Черноглазов кубок билан.

В. Сизов фотоси.



Навоий проспектида ўтказилган оммавий якшанбаликда.

А. Абалян фотоси.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ—ПОЙГА ҒОЛИБИ

«Пахтакор» — «Черноморец» учрашувини кўргани келган томошабинлар стадиондан икки томонлама хурсанд бўлиб қайтдилар. Улар севимли «Пахтакор» командаларини ғалаба билан, Ўзбекистон велосипедчилар терма командасини эса республика Министрлар Советининг фахрий мукофотини қўлга киритгани билан чин юракдан олқишладилар.

СССР спорт мастерлари А. Дулин, А. Черноглазов, А. Притикин, Г. Дик, В. Мосиенко, А. Федоровлар Тошкент — Наманган— Тошкент маршрути бўйлаб 1159 километр масофанинг дастлабки метрларидаёқ ғолиб чиқиш учун ҳаракат қилдилар. Улар ўтган йилги кўп кунлик велосипед пойгасида фахрли мукофотни Тожикистонга олиб кетган спортчилардан ўзиб кетишга интилдилар. Ленинобод, Қўқон, Фарғона этапларида кураш айниқса кескин тус олди. Велосипедчилар айрим жойларда соатига ўртача 43 километр тезлик кўрсатдилар.

Ўзбекистон терма командаси аъзоси, СССР халқлари III спартакиадаси мукофотчиси А. Дулин 1159 километр масофани ҳаммадан тез босиб ўтиб, кўп кунлик велосипед пойгасининг қаҳрамони бўлди.

Новосибирск, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистондан келган энг кучли спорт мастерлари ҳам республикамиз велоспортчиларига тенг келиша олмади. Фахрли мукофот Тошкентда қолди.

Кўнгилли спорт жамиятлари ўртасида республикамизнинг «Меҳнат» вакиллари ғолиб чиқдилар. «Буревестник» командаси иккинчи, «Динамо» спортчилари учинчи ўринни эгаллади.

Кўпкунлик велосипед пойгасида айрим этаплар бўйича ўтказилган мусобақаларда 7 спортчи биринчи марта спорт мастери нормативини бажарди.

ФАЙЗЛИ ВА ЗАВҚЛИ

Тошкент оромгоҳлари — боғлар ўтган якшанба куни ҳар қачонгидан файзли бўлди. Кечга яқин ҳамма ёқдан шаҳар меҳнаткашлари Пушкин номли маданият ва истироҳат боғига томон келабошлади. Улар оммавий баҳор сайли қатнашчилари эди. Боққа кираверишдан байрам нафаси сезиларди. Баҳор либоси — гуллар, кўкатларни кийим қилиб ясаниб олган йигирма ўғил ва йигирма қиз байрам меҳмони — «Баҳор» ўзбек давлат халқ рақс ансамбли раққосаларини кутиб олди. Дарвозадан кириш билан карнай-сурнайлар садоси остида ўйин-кулги бошланиб кетди. Боғнинг бир томонида катта дор, бир ёқда аскиябозлик. Ўйин-кулги тобора авжга минади. Парк маъмурияти томошабинларга кўнгилли хизмат қилиш учун яхши тайёргарлик кўрган эди. Шунинг учун ҳам меҳнаткашлар сайлдан мамнун бўлиб қайтишди. Шанбада бошланиб якшанба куни ҳам давом этган бу баҳор байрамида тошкентликлардан 20 мингга яқин киши қатнашиб, кўнгилли дам олди.

«Победа» ўрмон парки саҳналари, эстрадаси ҳаваскорлар кўриги минбарига айланди. Бу ерда Киров районининг 22 та ҳаваскорлик коллективи шаҳар ашула байрамига тайёргарлик олдидан қўшиқ ва рақс байрами ўтказди. Хор вокал коллективларининг программадаги номерларини ҳамма завқ билан тинглади.

Ленин комсомоли боғига келган меҳнаткашлар мовий кўлда чўмилиб, қайиқларда сайр қилдилар. Бу ерда ҳаваскорлар концертлари узоқ давом этди.

Ўтган якшанба гуллар билан безанган Тошкент боғларида бўлган ҳар бир киши мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиб, кунни хушчақчақ ўтказди.

Аста шитирлаб хушбўй ҳид таратадиган ўт-ўланлар орасида, сув бўйида «ўлжа» пойлаб ўтиришнинг ўзгача завқи бор. Балиқ қармоғингга илингунча қандай ширин хаёлларга борасан киши. Ҳозирча бу балиқчиларнинг омади келмай турибди. Лекин улар хафа эмас. Чунки гап гўштида эмас, гаштида-да!

М. Нуриддинов фотоси.



Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

ПРАГА, (ТАСС). Социалистик Чехословакиянинг Миллат мажлисига ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларига 14 июнда бўладиган сайловига тайёргарлик тобора кенг авж олдирилмоқда. Депутатликка кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тугалланди. Бу йил Миллат мажлисига, Словакия миллий кенгашига ва маҳаллий миллий комитетларига 225 мингдан кўпроқ халқ вакиллари сайланади.

Марказий газеталар округ сайлов комиссиялари рўйхатга олган Миллат мажлиси депутатлигига Миллий фронт номзодларининг рўйхатини эълон қилишди. Бу номзодлар орасида Чехословакия Коммунистик партияси ва ҳукуматининг раҳбарлари, энг таниқли олимлар, ёзувчилар, санъат арбоблари, саноат ва қишлоқ хўжалигининг илғорлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари бор.

Бутун мамлакатда халқ блокининг номзодлари учун агитация бошланди.

Франция Коммунистик партияси XVII съезди ўз ишини тамомлади

ПАРИЖ, 17 май. (ТАСС). Франция Коммунистик партияси XVII съезди бугун кечқурун ўз ишини тамомлади. Съезд иштирокчилари партиянинг янги уставини ҳамда снёсий резолюцияни қабул қилдилар.

Съезд партия раҳбарлик органларининг янги составини сайлади. Франция Коммунистик партиясининг раиси қилиб Морис Торез, бош секретари қилиб Вальдек Роше сайланди.

Франция Коммунистик партиясининг раиси Морис Торез съезднинг охирги мажлисида якунловчи нутқ сўзлади.

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ТАКЛИФИ

ҚОҲИРА, 18 май (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси ҳукумати Арабистон ярим ороли жанубий районларининг аҳолисига қарши Англиянинг агрессив ҳаракатлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун араб мамлакатлари иттифоқи кенгашининг фавқулодда мажлисини чақиришни таклиф этди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ЖУРНАЛИСТИ ОЗОД ҚИЛИНДИ

ПРАГА, 18 май. (ТАСС). Бразилия маъмурлари томонидан 15 майда ғайриқонуний равишда қамоққа олинган Чехословакия телеграф агентлигининг Бразилиядаги доимий мухбири Мирослав Штрафельд озод этилди, деб хабар беради. Чехословакия телеграф агентлиги мухбири Рио-де-Жанейродан.

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 16 май. (ТАСС). Сайгондан 25 миля нарида Жанубий Ветнам партизанлари мунтазам қўшинлар билан жанг бошладилар ва жазочилар отрядини тор-мор келтирдилар.

ЮПИ агентлиги мухбирининг Сайгондан хабар беришича, Жанубий Ветнам бўлинмалари ўлган ва ярадорлар бўлиб юздан кўпроқ кишини йўқотганлар. Америка ҳарбий маслаҳатчиси ярадор бўлди.

Сайгон маъмурлари мунтазам қўшинлар батальони составида қўшимча равишда мадад юборишга мажбур бўлдилар.

Капитал мамлакатларида забастовкалар

ИСПАНИЯ

Астурияда иш ҳақининг оширилишини талаб этаётган меҳнаткашларнинг забастовкаси қарийб бир ойдан буён давом этмоқда. Граждан гвардияси иш ташловчилардан олти кишини қамоққа олди.

Астурия меҳнаткашларининг забастовкаларида тахминан 40 минг шахтёр ва 7.500 металлург қатнашмоқда. Бу забастовкалар бутун кўмир ҳавзасида — Овьедо ва Хихонда ишларни тамомила деярлик тўхтатиб қўйди. Испания ҳукумати кўмир танқислигига барҳам бермоқ учун чет эллардан кўмир келтиришга рухсат беришга мажбур бўлди. Кўмир танқислиги мамлакат экономикасидаги жуда кўп секторларнинг ишига, жумладан, темир йўл транспортининг ишига ёмон таъсир кўрсатмоқда.

Испания меҳнаткашлари иш ташлаган астурияликлар билан бирдам эканликларини билдирмоқдалар. Дильбаодаги учта металлургия корхонаси ходимларининг бир қисми ўз ишларини икки соатга тўхтатиб қўйди. Бильбаода тарқатилаётган варақалар меҳнаткашларни иш ташловчиларнинг талабларини қўллаб-қувватлаш юзасидан ишни тўхтатишга даъват этади.

Херес районида (Андалузия) кун байига ишлайдиган ишчиларнинг забастовкаси қишлоқ хўжалик ишчилари орасига ҳам ёйилди. Баъзи маълумотларга қараганда, бу ерда 15 минг киши иш ташлаган: маъмурлар ана шу забастовка раҳбарларидан баъзиларини қамоққа олганлар.

Франкочи маъмурлар оммавий репрессия чораларини кўриш билан иш ташловчиларга таҳдид қилмоқдалар, корхона эгалари эса, иш ташловчиларнинг иродасини қақшатиш учун одатдагича локаут тактикасини, уларга товар ҳамда маҳсулотларни қарзга сотишни тақиқлаш усулини қўлланмоқдалар.

АНГЛИЯ

Манчестерда «Ассошиэйтед электрикал индастрис лимитед» компанияси заводининг 6.000 ишчиси иш ташлади. Улар шу ҳафта ичида ишдан нотўғри бўшатилган тўрт кишининг қайтадан ишга олинишини талаб этмоқдалар.

Уэймутда иш ҳақи ставкаларининг жуда пастлигидан норози бўлган ишчилар забастовка эълон қилдилар.

Порткаулда Жанубий Уэльс кончиларининг конференцияси бўлди. Бу конференцияда 73 минг шахтёр номидан қатнашган делегатлар иш ҳақини ошириш тўғрисидаги ўз талабларининг қондирилиши учун кураш олиб боришга қарор бердилар. Конференцияда қабул қилинган резолюция кончилар миллий касаба союзи ижроия комитетини шахтёрларнинг талабларини қўллаб-қувватлаш юзасидан умуммиллий забастовка ўтказишга даъват этади.

ФРАНЦИЯ

Франция металлургия ва металл ишлаш саноатининг неча юз минглаб меҳнаткашлари иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисидаги ўз талабларини ҳимоя қилиб, оммавий забастовка ўтказдилар. Забастовкаларда металлургия ва металл ишлаш заводлари ишчиларининг 60 процентидан тортиб 90 процентгача бўлган қисми қатнашди.

Умумий меҳнат конфедерациясининг эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: Франция металлистлари ва металлурглари ўз талабларини охиригача ҳимоя қилишга ва ўзларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқ учун тағин ҳам қатъийроқ чоралар кўришга тайёрдирлар.

БЕЛЬГИЯ

Бельгиядаги «Сабена» авиакомпаниясининг меҳнат шароитини яхшилаш учун курашаётган шахсий составида забастовка ўтказабошлаганига қарийб бир ҳафта бўлди. Забастовка ўтказилаётган ҳар кун компанияга беш миллион Бельгия франки миқдорида зарар етказмоқда. (ТАСС).

КИПРНИНГ ҲАВО ЧЕГАРАСИ БУЗИЛДИ

НИКОЗИЯ, 16 май. (ТАСС). Кипр ташқи ишлар министри Киприану Туркияга қарашли икки самолётнинг 14 майда Кипр ҳаво чегарасини бузганлигига қарши кеча Туркиянинг Никозиядаги элчисига норозилик нотаси топширди.

ЎҚИШ ҲАҚИ ОШИРИЛМОҚДА

ОТТАВА, (ТАСС). Янги ўқув йилидан бошлаб Канаданинг кўп университетларида ўқиш ҳақи 10—15 процент оширилади. Студентлар ҳар йили ўқиш учун яна 50—70 доллардан пул тўлашлари керак.

Британия Колумбиясида ва Саскачеванда студентлар ўқиш ҳақининг оширилишига қарши норозилик юзасидан намойиш ўтказдилар.

КАНАДА АҲОЛИСИ

ОТТАВА, (ТАСС). Канада аҳолиси 1 апрелгача 19 миллион 180 минг кишидан иборат бўлди.

Қисқа сатрлар

Ёзувчилардан Ойбек ва Уткир Рашид Янгийўл бошқармасининг «Партия XXII съезди» колхозидаги 61- ва 63-мактаб ўқувчиларининг меҳмони бўлишди. Шоирлар ўқувчиларга ўз асарларидан намуналар ўқиб беришди.

Учрашув охирида мактаб бадиий ҳаваскорлари катта концерт кўрсатдилар.

Р. ИСЛОМОВ.

* * *

Урта Осиё қурилиш бўйича давлат ишлаб чиқариш комитети техника бошқармасига қарашли «Средазоргтехстрой» тресты бинокорларнинг техника соҳасидаги янгиликлар билан таништириш мақсадида бир неча кун техника кинофильмлари кўригини ўтказди.

М. СУЛТОНОВ.

* * *

Китоб савдоси бўйича юбилей йилимизнинг биринчи квартал планни 117 процентдан ошириб бажарилди.

Тошкентдаги биринчи магазин коллективи айниқса яхши натижаларга эришди.

Китоб магазинларининг ходимлари йиллик планни 20 декабргача бажаришга аҳд қилганлар.

Л. БЕКШЕНЕВ.

* * *

Оҳангарон посёлкасида янги 25 ўринли туғруқхона биноси фойдаланишга топширилди.

К. ЕРОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИЗОР

19 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Ленин номи қалбимизда** (В. И. Ленин номидаги пионер ташкилоти тузилган кун муносабати билан). 18.45 — **Телевизион янгиликлар,** 19.05 — **Реклама ва эълонлар,** 19.10 — **Поли ўғли** (бадиий фильм).

20.15 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.20 — **Телевизион янгиликлар,** 20.40 — **Пилла бизнинг бойлигимиз,** 20.55 — Урдубоду. **Беш сўмлик келин** (А. Островский номидаги Тошкент театр-рассомлик санъати институти студентларининг диплом спектакли).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.15 — **Ёш ленинчилар** (ҳужжатли фильм). 20.15 — **Юбилей қурилишлари.**

Рус тилида: 20.35 — А. Афиногенов. **Машенька** (телевизион спектакль).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Шайтон ва ўн насиҳат — «ВАТАН», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Жунгли — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Король Королю — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 4 ва кеч 8 да).

Тақдир ноғоралари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 2, кеч 6 ва 9.45 минутда).

Советлар ҳокимияти учун — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 ва 10.40 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

(Сеанслар кеч соат 8.45 минут ва 10 яримда).

Уч қават бахт — «ВАТАН».

Жунгли — НАВОИЙ номли.

Король Королю — «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 10 яримда).

Шайтон ва ўн насиҳат — КАФАНОВ номли.

Тақдир ноғоралари — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 8.45 минутда).

Олтой сўқмоқлари — «УДАРНИК».

Қиморхонадаги фирибгарлик — 1 МАЙ номли.

Казаклар йиғлаганда — «ШАРҚ».

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ТЕАТРДА — 19/V да **Аида,** 20/V да **Дон Жуан.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ТЕАТРДА — 20/V да **Нурхон.**

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05549. ИНДЕКС 64695. Нашр. № 1756.